



САМАРҚАНД САММИТИДА МИНТАҚАВИЙ ВА ХАЛҚАРО АҲАМИЯТГА МОЛИК ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ

2022 йил 16 сентябрь куни Самарқанддаги “Буюк ипак йўли” халқаро туризм мажмуаси Конгресс марказида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлди.



SHANXAY HANKORLIK TASHKILOTIGA A'ZO DAVLATLAR RAHBARLARI KENGASHI YIG'ILISHI
2022-yil 15-16 sentabr, Samarqand

ЗАСЕДАНИЕ СОВЕТА ГЛАВ ГОСУДАРСТВ-ЧЛЕНОВ ШАНХАЙСКОЙ ОРГАНИЗАЦИИ СОТРУДНИЧЕСТВА
15-16 сентября 2022 года, Самарканд



上海合作组织成员国元首理事会会议
(2022年9月15-16日, 撒马尔罕)

MEETING OF THE COUNCIL OF HEADS OF THE SHANGHAI COOPERATION ORGANIZATION MEMBER STATES
15-16 September 2022, Samarkand

Бугунги кунда дунёдаги нуфузли халқаро тузилмага айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон имзолаган декларация асосида ташкил этилган. Ўзаро ишонч, дўстлик ва яхши кўшничликни мустаҳкамлаш, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар, энергетика, транспорт ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш, ўзи қамраган минтақада тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш Ташкилотнинг асосий мақсад ва вазифалари ҳисобланади.

Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига асос солган давлатлардан бири сифатида унинг фаолиятида муҳим ва фаол роль ўйнамоқда. Ўзбекистоннинг ташаббуслари ШХТнинг халқаро нуфузини ва салоҳиятини юксалтиришга, кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳамиша хизмат қилиб келган.

Мамлакатимиз шу пайтгача ШХТга 2003-2004, 2009-2010 ҳамда 2015-2016 йилларда раислик қилган. Ўзбекистоннинг

тўртинчи — 2021-2022 йиллардаги раислиги қизгинлиги, мазмундорлиги ва натижага қаратилганлиги билан аҳамиятли бўлди.

Самарқанд мезбонлик қилган ШХТнинг бу галги саммити ҳам анъанага кўра, ташкилотга аъзо давлатлар раҳбарларининг тор доирадаги учрашуви билан бошланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ўтган учрашувда Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модди, Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқоёв, Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Покистон Ислам Республикаси Бош вазири Шаҳбоз Шариф, Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Тожикистон Республикаси Президенти Эмомалӣ Раҳмон, шунингдек, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Чжан Мин ва ШХТнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитаси директори Руслан Мирзаев иштирок этди.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО ДАВЛАТЛАР РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИДАГИ НУТҚИ

Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!
Ҳурматли саммит иштирокчилари!
Хонимлар ва жаноблар!
Сизларни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлисида чин дилдан қутлайман.

Қадимий ва меҳмондўст Самарқанд шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар, кузатувчи мамлакатлар раҳбарларини, фахрий меҳмонларимиз ва халқаро ташкилотлар вакилларини шахсан қабул қилиш шарафига муяссар бўлганидан мамнунман.

Буюк ипак йўлининг қоқ юрагида жойлашган бу муаззам шаҳар минг йиллар давомида миллатлараро мулоқот, ўзаро маданий ва маънавий ҳамкорлик, савдо ва илмий алмашинувлар маркази сифатида хизмат қилиб келган.

Бугунги кунда пандемия ва дунёдаги мураккаб вазиятга қарамайдан, Самарқанд яна бир бор Евроосиёнинг улкан макони етакчиларини бирлаштиргани, халқаро сиёсат ва иқтисодиёт марказига айлангани қувонарлидир.

Мен анжуманимизда биринчи маротаба иштирок этаётган давлат раҳбарлари — Покистон

Ислам Республикаси Бош вазири жаноб Шаҳбоз Шариф, Туркия Республикаси Президенти жаноб Режеп Таййип Эрдоған, Озарбайжон Республикаси Президенти жаноб Илҳом Алиев, Туркменистон Президенти жаноб Салдор Бердимухамедовни самимий қутлайман.

Ўзбекистонга хуш келибсиз!

Ҳурматли учрашув иштирокчилари!
Биз ШХТга раислик давримизда Ташкилотимиз доирасидаги амалий ҳамкорликни фаоллаштириш, унинг салоҳияти ва халқаро нуфузини оширишга интилдик.

Хавфсизлик масалалари билан бир қаторда савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорликни кенгайтиришга устувор эътибор қаратилди.

Ташкилот фаолиятининг барча соҳаларида кўплаб ташаббуслар амалга оширилди. Пандемия ва глобал инқироз оқибатларига қарамайдан, Раислик режасини биргаликда тўлиқ амалга оширишга муваффақ бўлдик. 80 дан орტიқ йирик тадбирлар ўтказилди. Ҳамкорликдаги саъй-ҳаракатларимиз бугун қабул қилинган 40 дан орტიқ ҳужжатда ўз ифодасини топган.

ШХТнинг барча давлатлари, шунингдек, Ташкилот Котибияти ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия кўмитасига раислигимизга фаол ёрдам бергани учун яна бир бор миннатдорчилик билдираман.

Ҳурматли саммит иштирокчилари!
Дунёда ишонч ва ўзаро бир-бирини тушуниш тақчиллиги сезилаётган, қарама-қаршиликлар ва можаролар кузатилаётган бугунги шароитда барқарорлик ва хавфсизликка нисбатан кўплаб таҳдидлар кучайди.

Давоми 2-бетда

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК ВА СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУНОСАБАТЛАРИ КЕНГАЯДИ



Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 сентябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган Ҳиндистон Республикаси Бош вазири Нарендра Модди билан учрашув ўтказди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари олий мартабали меҳмонни Ҳиндистон мустақиллигининг 75 йиллиги билан самимий табриклади.

Томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва стратегик шериклик муносабатларини кенгайтириш масалаларини муҳожама қилишди.

Икки томонлама муносабатларнинг ривожланиш суръатлари мамнуният билан қайд этилди.

Давоми 2-бетда

ЎЗАРО ҲУРМАТ, ДЎСТЛИК ВА ИШОНЧГА АСОСЛАНГАН МУЛОҚОТ



16 сентябрь куни ШХТнинг Самарқанд саммити доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған билан учрашуви бўлиб ўтди.

Режеп Таййип Эрдоған Ўзбекистон раҳбарини ШХТ саммити муваффақиятли ўтказилгани билан табриклар, фахрий меҳмон сифатида иштирок

этиш таклифи учун миннатдорлик билдирди.
Учрашувда етакчилар ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ишончга асосланган кўп

қиррали Ўзбекистон — Туркия ҳамкорлигини фаоллаштириш масалалари юзасидан фикр алмашди.

Давоми 2-бетда



МУНОСАБАТ

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ саммити, шубҳасиз, жаҳон миқёсидаги йирик ва нуфузли анжуманлардан бири бўлди. Бинобарин, ушбу саммитда жам бўлган давлат раҳбарлари, ҳукумат вакиллари муҳокама қилган масалалар ўта долзарб. Ўртага ташланган ташаббуслар аҳамиятли, истиқболли. Хусусан, биз ҳам Ўзбекистоннинг мазкур ташкилотга раислиги доирасида ШХТ Ишбилармонлар кенгаши бошқарувининг навбатдаги мажлисини ўтказдик.

САММИТ ИШБИЛАРМОНЛИК АЛОҚАЛАРИ ФАОЛЛАШИШИГА ҲАМ КАТТА ТУРТКИ БЕРАДИ



Даврон ВАҲОБОВ,
Ўзбекистон Савдо-саноат
палатаси раиси

Сўнги йилларда ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари саъй-ҳаракати, олий даражадаги мунтазам учрашув ва мулоқотлар туфайли ҳамкорлик жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Ўзбекистон ШХТни кўп томонлама ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий, транспорт ва маданий-гуманитар ҳамкорликни ривожлантириш воситаси сифатида баҳолайди.

Хозирги кунда ШХТ ўзини тўлақонли ва нуфузли халқаро ташкилот сифатида намоен этаётган бўлса, тузилманинг Ишбилармонлар кенгаши ушбу йўналишдаги ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг самарали платформасига айланмоқда.

Бугун синови даврада яшаймиз. Олдимизда қатор жиддий вазифалар турибди. Уларни самарали ҳал этишда эса аъзо мамлакатларнинг ишбилармон доиралари локомотив вазифасини ўтаётди. Қийинчиликларга қарамай, 2021 йилда Ўзбекистоннинг ташкилотга аъзо давлатлар билан товар айирбошлаш ҳажми 24 фоиз ўсиб, 20 миллиард доллардан ошгани, жорий йилнинг биринчи ярмида бу кўрсаткич қарийб 30 фоиз ўсгани бунинг тасдиғидир.

ШХТ мамлакатлари иқтисодиёти турли тармоқларда жадал ва барқарор ривожланмоқда. Эркин иқтисодиётни шакллантириш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар туфайли хорижий инвестициялар оқими кўпайган. Ўзбекистонда ШХТга аъзо давлатлар капиталли иштирокидаги корхоналар сони сўнги бир неча йил ичида 4 қарра ошиб, 7 минг 653 тага етди.

Ташкилотга аъзо давлатлардан мамлакатимизга жалб қилинган инвестиция ҳажми ўтган йил яқинлаб кўра 4,6 миллиард доллар бўлди.

Бу Ўзбекистонга жалб қилинган инвестициялар умумий ҳажмининг яримдан кўпрогини ташкил этади.

Буларнинг барчаси кўшма бизнес ҳамкорлиги йўлга қўйилган ўзаро манфаатдорлик борлигини билдиради ва бу қувонарли ҳол.

Кўп томонлама алоқаларни янада чуқурлаштириш учун умумий саъй-ҳаракатларни савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни янада самарали рағбатлантиришга қаратиш муҳим. Бунинг учун ўрнатилган кооператив алоқалар узилишининг олдини олиш, ахборот технологиялари соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида товар айирбошлаш ҳажмини ошириш учун электрон тижорат ва онлайн платформаларни ривожлантиришга қаратилган кўшма лойиҳаларни амалга ошириш зарур.

Бу борада транспорт логистикаси тизимини ривожлантириш, ташкил этилган "яшил йўлақлар"нинг узлуксиз ишлашини таъминлаш, ўзаро етказиб бериш учун истиқболли маҳсулотлар рўйхатини доимий равишда амалга оширишнинг давом эттириш муҳим. Икки томонлама ва кўп томонлама шаклларда ишбилармон доиралар иштирокида мунтазам равишда кўшма бизнес форумлар ва учрашувлар ўтказишни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни рақамлаштириш, биотехнология ва ген муҳандислиги, наноматериаллар, ақлли технологиялар ва сунъий интеллект каби илғор технологик соҳаларда ҳамкорликни кенгайтириш ҳам талаб этилади.

Мева-сабзавот маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш, чорва учун озуқа ишлаб чиқариш, ресурс тежайдиган иссиқхоналар, интенсификатив боғлар барпо этиш, шунингдек, фармацевтика маҳсулотлари тайёрлаш бўйича кўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболли йўналиш саналади. ШХТга аъзо мамлакатлар саноат-технологик парклари ўртасидаги кооперация алоқаларини мустақамлаш орқали илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш соҳаларида ҳамкорликни мустақамлаш, худудлараро савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш бугунги кун талаби. Кенгаши йиғилишида ана шундай масалалар қўриб чиқилиб, ҳамкорликнинг келгуси режалари муҳокама қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиш айтиш мумкин, ШХТнинг Самарқанд саммити мамлакатлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ва ишбилармонлик муҳитини янада ривожлантиришга катта тurtки беради.

ТУРИЗМ РИВОЖИ ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТГА ПОЙДЕВОР БЎЛАДИ



Ботир ШАХРИЁРОВ,
туризм ва маданий мерос вазири
ўринбосари

Президентимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарлари кенгаши мажлисида сўзлаган нутқида ушбу устувор йўналишдаги ҳамкорликни фаоллаштириш учун келгуси йилни ШХТ маконида туризмни ривожлантириш йили, деб эълон қилишни тақдир этгани соҳа ривожига муҳим қадам бўлди. Зеро, ШХТ ер юзи аҳолисининг қарийб ярмини қамраб олган муҳим тузилма. Ана шундай улкан минтақада турли соҳалар қатори сайёҳликни ривожлантириш барча мамлакатлар учун бирдек манфаатли бўлади.

Саммит доирасида ўзаро ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини мустақамлашга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланди. Шулар орасида Ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасида сайёҳликни ривожлантириш бўйича ҳамкорлик меморандуми ҳам бор. Ушбу кенг қамровли ҳужжатда ШХТ маконида туризмни ривожлантириш бўйича муҳим вазифалар белгиланган. Хусусан, Ташкилотга аъзо давлатлар аҳолиси орасида мамлакатларнинг сайёҳлик салоҳиятини кенг тарғиб қилишга эътибор қаратилади. ШХТга аъзо мамлакатлар аҳолиси қарийб 3,5 миллиардга яқин. Ана шундай салоҳиятдан оқилона фойдаланиш биринчи галдаги вазифа.

Туризм тараққий этиши учун, аввало, транспорт-логистика имкониятини кенгайтириш, сайёҳларга хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини ривожлантириш лозим. Мазкур соҳанинг ҳам йўналишлари кўп. Маданий, спорт, гастрономик, тоғ-экстремал, танишув, экологик туризм каби замонавий тармоқлар тобора ривожлантирилади. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида бу борада илғор тажрибалар орттирилган. Уларни ўрганиш ва татбиқ этиш борасида доимий изланиш талаб этилади. Ҳамкорлик меморандумида соҳада муҳим вазифалар ҳам қамраб олинган фаолиятимизни янада кенгайтиришда муҳим аҳамият касб этади.

Шу ўринда айтиш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистон ташаббуси билан ШХТ маконида сайёҳликни ривожлантириш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу чора-тадбирлар туфайли пандемиядан олдин,

2019 йилда 250 миллион аҳоли давлатлараро саёҳат қилган. Бироқ бу рақам бугунги кундаги интилишларимизга мос деб бўлмайди. Бу кўрсаткиччи янада ошириш зарур.

Табиийки, бунинг учун борди-қелидини янада кучайтириш, ўзаро транспорт-логистика алоқаларини яхшилаш лозим. Шу маънода, саммит доирасида "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темирйўл линиясини барпо этиш бўйича келишувга эришилгани катта ютуқ бўлди. Афғонистон орқали Покистонга борадиган йўл бунёд этилиши ҳам импорт-экспорт учун қўлай имконият яратади. Бундан ташқари, замонавий меҳмонхоналар қурилиши, туризм йўналишлари очирилиши, иншоотлар барпо этилиши туризм оқимини бир неча баробарга кўпайтириш имконини беради.

Сайёҳлар, аввало, тинч ва обод, тарихи бой, бугунги кун ибурафшон масканларга интилади. Ўзбекистон ана шундай диёр

иш билан таъминлаш ва иқтисодиётни ривожлантиришга тurtки бўлди.

Тўғриси, Самарқандда бугун яратилган замонавий имкониятларни кўриб 5-6 йил олдинги ҳолат кўз ўнгимдан ўтди. Илгари бундай катта халқаро тадбирлар, форум ёки анжуманлар фақат Тошкентда ўтказилар, худудларда бунинг имкони йўқ эди. Президентимизнинг худудлар инфратузилмасини ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори туфайли бугун Самарқанд тарихий нуфузини тиклаб, йирик халқаро анжуманга мезбонлик қилди. Келгусида бундай тадбирларни Бухоро, Хоразм ва бошқа худудларда ҳам ўтказиш учун зарур шароитлар яратиш эзу мақсадимиздир.

Сайёҳликни ривожлантиришда музейлар фаолияти ҳам муҳим ўрин тутди. Чунки музейлар инсониятнинг бой ўтмиши кўзгуси, сайёҳларни доимо ўзига жалб этадиган маърифат-маънавият маскани. Саммит

САММИТГА ДУНЁНИНГ 14 ТА ДАВЛАТИ РАҲБАРИ, 10 ДАН ЗИЁД ХАЛҚАРО ТАШКИЛОТЛАР ВАКИЛЛАРИ ТАШРИФ БУЮРДИ. УШБУ НУFUЗЛИ ХАЛҚАРО АНЖУМАНДА ИНСОНИЯТНИНГ КЕЛАЖАК ТАРАҚҚИЁТИГА ДАХЛДОР МУҲИМ ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ. АЛБАТТА, ҲАР БИР МАМЛАКАТ ХАЛҚИ ЎЗ ДАВЛАТ РАҲБАРИ ДУНЁНИНГ ҚАЙСИ БУРЧАГИГА ТАШРИФ БУЮРАЁТГАНИ ВА ҚАНДАЙ ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТАЁТГАНИНИ КАТТА ҚИЗИҚИШ БИЛАН КУЗАТАДИ.

сифатида дунё ҳамжамиятининг эътиборини ўзига жалб этмоқда. Самарқандда ўтган саммит фикримизга яна бир қарра исбот бўлди. Саммитга дунёнинг 14 та давлати раҳбари, 10 дан зиёд халқаро ташкилотлар вакиллари таширф буюрди. Ушбу нуфузли халқаро анжуманда инсониятнинг келажак тараққийига дахлдор муҳим ҳужжатлар имзоланди. Албатта, ҳар бир мамлакат халқи ўз давлат раҳбари дунёнинг қайси бурчага таширф буюраётгани ва қандай тадбирларда иштирок этаётганини катта қизиқиш билан кузатади. Шу маънода, Самарқандда ўтган тадбирни ҳам дунё бўйлаб миллионлаб аҳоли кузатади. Бу тадбир таассуротлари эса келгусида юртимизга сайёҳлар оқими кўпайишига замин бўлиши табиий.

Ўз навбатида, юртимизда ҳам сайёҳларнинг бундай катта оқимига ўзига хос тараққий қилишмоқда. Мамлакатимизда сўнги йилларда туризмни ривожлантириш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилди. Масалан, мазкур саммитга таъйергарлик доирасида Самарқандда янги меҳмонхоналар барпо этилди. "Буюк ипак йўли" халқаро туристик мажмуаси қад ростлади. Хизмат кўрсатиш инфратузилмасини ривожлантириш. Бу эса ёшларни

доирасида ШХТга аъзо мамлакатларнинг ваколатли органлари билан музейлар ишини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида келишувлар имзоланиши ҳам муҳим янгиллик бўлди.

Бугунги кунда мамлакатимизда 133 та музей фаолият юрляпти. Биргина Самарқанднинг ўзида йигирмага яқин музей бор. Ушбу маънавият-маърифат масканлари фаолиятини ривожлантириш бўйича кўплаб чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Саммитга таъйергарлик доирасида ҳам музейлар ишини ривожлантириш бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилди. Самарқандда Ўзбекистон — Хитой олин мероси кўргазмаси асосида музей барпо этилди. Динлараро бағрикенглик йўналишида ҳам музей иши тўғрисида кўриштирилди. Мазкур анжуман доирасида "Ипак йўли" халқаро туризм ва маданий мерос университетиде санъат асарлари галереяси ташкил этилди. "Самарқанд руҳи" расомлар нигоҳида" кўргазмаси бўлиб ўтди.

Хуллас, бутун дунё аҳлининг диққатини бир неча кун ўзига жалб этган Самарқандда барқарор ривожланишга пойдевор яратилган муҳим келишувларга эришилди. Уларни рўёбга чиқариш инсониятнинг фаровон ҳаёти ва тараққийига хизмат қилади.

ЯНГИ ТРАНСПОРТ КОРИДОРЛАРИ МАМЛАКАТЛАР ЎРТАСИДАГИ САВДО-ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРНИ КЕНГАЙТИРАДИ



Жасурбек ЧОРИЕВ,
транспорт вазири
ўринбосари

Йирик сиёсий халқаро тадбир — ШХТнинг навбатдаги саммити давомида ташкилотга аъзо давлатлар савдо алоқалари занжирининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида транспорт ва логистика масалалари йўналишида қатор ҳужжатлар имзоланди. Хусусан, ШХТга аъзо давлатлар ўртасида ўзаро боғлиқликни ривожлантириш ва самарали транспорт коридорларини яратиш бўйича ҳамкорлик Концепцияси тасдиқланди.

Мазкур Концепция халқаро юк ташувларини амалга оширишда турли тўсиқларни бартараф этиш орқали мамлакатлар транзит салоҳиятини самарали фойдаланиш, норматив-

ҳуқуқий базани такомиллаштириш, жаҳон савдоси қўлайлиқларидан тўлиқ фойдаланиш имконини яратади.

ШХТ Самарқанд саммити доирасида минтақанинг глобал иқтисодий тармоқлари, транспорт ва транзит йўлақларига чуқур интеграциясини таъминлашга қаратилган яна бир муҳим ҳужжат — "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўли қурилиши лойиҳаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида уч томонлама битим имзоланди.

Ушбу темир йўли қурилиши лойиҳасининг амалга оширилиши мамлакатлар ўртасида ягона транспорт тармоғини яратишда муҳим омил бўлади. Хитойдан Ўзбекистон орқали Европача ва Жанубий коридор бўйлаб Форс кўрфазини давлатларига ташувларни амалга ошириш эса ўз навбатида, Жанубий — Шарқий Осиё, Ўрта Осиё ва Европа минтақаларини ўзаро боғлаш имконини беради. Ўзбекистоннинг транзит

салоҳиятини янада ошириб, савдо географиясини кенгайтиради.

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган геосиёсий вазият транспорт алоқалари ва логистикасига ҳам катта таъсир кўрсатмоқда. Мазкур жараёнда ташқи савдо транспорт йўлақларини янада диверсификациялаш, муқобил йўналишларни ривожлантириш ва янгиларини яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Шу маънода, "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темир йўлининг қурилиши давлатларнинг транзит салоҳиятини тўлиқ ишлаштириш, ҳамкорликни кучайтириш, савдо алоқаларини кенгайтириш ва янги бозорларга чиқишда жуда муҳим ҳисобланади. Унга кўра, 2023 йил ярмигача янги темир йўлининг техник иқтисодий асоси ишлаб чиқилади. Яъни қайси йўналиш бўйича темир йўли ётқизиши ва молиявий масалалар белгилаб олинади.

Айтиш кераки, мазкур лойиҳа 20 йилдан ортиқ вақт мобайнида турли музокара ва маслаҳатларда кўрилар, лекин амалга ошмай келаётган эди. Давлатимиз раҳбарининг саъй-ҳаракати, ташаббуси билан ШХТ саммити доирасида бу борада келишувга эришилиши катта ютуқ бўлди. Темир йўли қурилиши туфайли юкларнинг бу йўналишдан ўтиши дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, йилига 5 миллион тоннадан 10 миллион тоннагачани ташкил этади. Бу нафақат Ўзбекистон ёки ШХТ мамлакатларига, балки бутун минтақа учун керакли ва зарур транзит коридордир. Бинобарин, ушбу линия орқали янги бозорларга юкларни тез, арзон ва хавфсиз етказиб бериш имкони яратилади.

Ушбу лойиҳага киришишда Ўзбекистоннинг роли жуда катта. Шу билан бирга, унга Қирғизистон ҳам, Хитой ҳам хайрихоҳ. Чунки бу лойиҳа молиявий тарафдан жуда фойдали. Шунинг учун унинг қурилишига сарфланмаган қаражат келажакда бир неча баробар қўпланади. Қолаверса, у мамлакатларнинг савдо-иқтисодий муносабатлари янада ривожланиши, фойдаланилмаётган имкониятларни ишга солишда муҳим восита бўлади.

Бундан ташқари, саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Транспорти

вазирлиги билан Эрон Ислам Республикаси Йўллар ва шаҳарсозликни ривожлантириш вазирлиги ўртасида Чоҳабор порти орқали халқаро ташишлар ва транзитни амалга ошириш тўғрисида Англашув меморандуми имзолангани ҳам диққатга сазовор. Бу ҳужжат ҳам бевосита давлатимиз раҳбарининг муқобил транспорт йўлақларини очиб бўйича берган топшириқларининг амалий ифодаси бўлди.

Нима учун Чоҳабор порти муҳим? Шу ўринда ушбу саволга изоҳ бериб ўтсак. Гап шундаки, бу порт нейтрал. Яъни портада қандайдир санкциялар қўлланилмайди. Қолаверса, ундан Хиндистон ҳамда Саудия Арабистони, Покистон ва ҳатто Африка мамлакатларидан юк қабул қилиш ёки уларга етказиб бериш мумкин. Яъни ушбу порт Европа бозорларига чиқадиган янги йўналиш бўлади. Ташиш харажатлари бошқа транспорт коридорларига қараганда бир неча баробар арзон бўлиши кутилмоқда.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, илгари бизнинг транспорт коридорларимиз, асосан, шимолга йўналтирилган. Мустақилликдан кейин янги стратегиялар ишлаб чиқилиши натижасида қўшни давлатлар, Яқин ва Узоқ Шарқ ва Жанубий Осиё давлатларига янги коридорлар очиб, янги муқобил

ҳамда арзон транзит коридорлари яратишга эътибор берилляпти. Трансафғон йўлига, Қирғизистон — Хитой коридори ёрдамида Туркменистон ва Эрон орқали денгизга чиқиш имкониятлари шундай саъй-ҳаракатлар самарасидир. Буларнинг бари Ўзбекистон учун ҳам, МДҲ мамлакатлари учун ҳам янги йўналишлар ҳисобланади ва келинган улкан ижтимоий-иқтисодий белажаги бор.

ШХТга аъзо давлатлар ўртасида транспорт соҳасидаги ҳамкорлик улкан салоҳиятга эга. Уни амалга ошириш, шубҳасиз, мамлакатларимизнинг барқарор ривожланиши ва кўп томонлама савдо-иқтисодий алоқалар мустақамлашишига хизмат қилади.

Самарқанд саммити доирасида имзоланган мазкур ҳужжатлар ШХТга аъзо давлатларнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолигини янги босқичга кўтариши ҳамда барқарор ривожланиш мақсадларига биргаликда эришишда муҳим ўрин тутиши шубҳасиз.

НУҚТАИ НАЗАР



Президентимиз 2020 йилнинг 10 ноябрида ШХТга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг видеоконференциясида ўтган мажлисида ШХТга аъзо давлатлар ўртасида иқтисодий ўсишни таъминлашда ахборот технологияларининг роли ортиб бораётганини қайд этиб, ШХТнинг юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш ва аҳолини ўқитишга қаратилган рақамли саводхонликни ривожлантириш бўйича дастурини ишлаб чиқиш таклифини илгари сурган эди.



РАҚАМЛИ САВОДХОНЛИКНИ

РИВОЖЛАНТИРИШ ДАСТУРИ



Шерзод ШЕРМАТОВ, ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири

бозорини мўтадиллаштириб, ишчи кучи миграциясида учрайдиган тўсиқларни рақамли технологияларни ривожлантириш орқали бартараф этади. Тадқиқотларга кўра, ҳозирги кунда ИТ соҳасида дунё бўйича 1,2 миллион нафар мутахассисга талаб мавжуд. Ушбу кўрсаткич 2030 йилга бориб 4,3 миллионни ташкил этиши кутилмоқда.

Ҳиндистон масофадан хизмат кўрсатиш бўйича дунёдаги энг йирик бозорга эга. Мамлакатда тармоқ, мобил иловаларни ишлаб чиқиш, веб дизайн, интернет тадқиқотлари ва маълумотларни киритиш йўналишларида масофадан хизмат кўрсатиш ривожланган.

Сўнги пайтларда бухгалтерия ҳисоби, график дизайн ва консалтинг соҳаларида ҳам босқичма-босқич ўсиш кузатилмоқда. Чунки мамлакатда ҳар ойда 500 мингдан ортиқ янги бизнес ташкил этилади. Ҳиндистондаги ВРО бозори 2025 йилга бориб, 20–30 миллиард долларгача ўсиши прогноз қилинмоқда.

Huawei компанияси ўтказган тадқиқотларга кўра, бугунги кунда 170 дан ортиқ мамлакат ўз рақамли ривожланиш стратегиясига эга. Шунингдек, рақамли иқтисодиётга киритилган инвестициялар бошқа соҳаларга киритилган сармоядан 6,7 баробар юқори даромад келтиради. Бундан ташқари, жаҳон ялпи ички маҳсулотига нисбатан глобал рақамли иқтисодиёт 2,5 баробар тез ўсаяпти.

ШХТга аъзо давлатлар ахборот технологиялари инфратузилмаси ва рақамли иқтисодиётни янада ривожлантириш бўйича зарур чораларни кўрмоқда. Биргина Хитой 2025 йилга қадар рақамли иқтисодиётда янги инфратузилма яратиш учун 2,57 триллион АҚШ доллари йўналтириши белгиланган. Ўз навбатида, Хитойнинг рақамли иқтисодиёти 2025 йилга бориб, 8,8 триллион АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Ўзбекистон ўз олдида минтақада ИТ марказига айланиш бўйича аниқ мақсадларни белгилаб олган. Ушбу соҳада ўтган йилги экспорт 46 миллион долларга етди. Жорий йилда бу кўрсаткични 100 миллион долларга, 2025 йилда эса 500 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Ўзбекистонни минтақавий ИТ марказига айлантириш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар туфайли шу йилнинг ўзига 50 дан ортиқ хорижий ИТ компания мамлакатимизда фаолиятини йўлга қўйди. Йил бошидан бери 134 та янги ИТ корхона ташкил қилинди. ИТ парк резидентлари томонидан 2,5 минг нафар ёш иш билан таъминланиб, уларнинг умумий сони 12,5 минг нафарга етди. Жорий йилда парк резидентлари сони 747 тага етиб,



ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,5 баробар ошди.

Ўзбекистонда рақамли таълим экотизими йўлга қўйилган бўлиб, аҳоли ва ёшларни ушбу соҳага жалб қилиш ҳамда уларнинг қизиқишини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор ишлар бажарилди.

Биринчидан, мамлакатимиздаги 10 мингдан ортиқ умумтаълим мактаби юқори тезликдаги интернет билан таъминланди ҳамда замонавий компьютер синфлари жамланмаси етказиб берилди. Мактаблардаги 11 номдаги информатика ва 33 номдаги инглиз тили дарсликлари "English speaking nation" ва "IT Nation" лойиҳаси доирасида янгиланди. Ўз навбатида, дастурлаш тиллари (Python, C++ ва Scratch) бўйича 6,5 минг нафар информатика фани ўқитувчисининг малакаси оширилган бўлса, 2,5 минг нафар мактаб директори АКТ саводхонлиги бўйича ўқитилди.

Иккинчидан, мамлакатда ахборот технологиялари йўналишида олий таълим берадиган муассасалар сони қарийб 60 тага етказилди. Уларнинг қўли хорижий ёки хусусий олий таълим муассасаларида. Бугунги

кунда улар орқали энг долзарб йўналишларда, хусусан, суъвий интеллект, маълумотлар илими, ахборот хавфсизлиги, муҳандислик ва бошқалар бўйича муҳим кадрлар етишиб чиқмоқда.

Учинчидан, аҳоли ҳамда давлат ва ҳўжалик бошқаруви ходимларининг рақамли саводхонлигини ошириш бўйича 205 та туман ва шаҳарда ИТ паркиннг Рақамли ўқув марказлари фаолияти йўлга қўйилди. Улар кўмағида ўндан ортиқ таълим дастури орқали жорий йилнинг ўтган даврида 100 мингдан ортиқ тингловчи ўқитилган бўлса, бу рақам йил якунига қадар икки баробар оширилиши режалаштирилган. Шунингдек, давлат томонидан берилаётган имтиёزلар натижасида ИТ парк резиденти бўлган ўқув марказлари сони юздан ошди. Жорий йилдан бошлаб худди шу каби хусусий ўқув марказлари ташкил этиш учун ўзининг стартап лойиҳаларига эга бўлган тадбиркорларга давлат томонидан 1 миллион сўмгача грант ажратилиши тизими йўлга қўйилиши режалаштирилган. Хусусий ўқув марказлари орқали ИТ соҳасига қизиққан ёшлар қўсқа муддатларда талабгир касб

эгаларига айланиб, ўзининг мустақил даромадига эришмоқда.

Тўртинчидан, давлат томонидан ахборот технологиялари йўналишига қизиққан ёшлар учун бир қатор моддий рағбатлантириш тизимлари йўлга қўйилди.

Хусусан, халқаро даражада тан олинган ИТ сертификати олган ёшларнинг ўқиш ва сертификацияга боғлиқ харажатларининг 50 фоизи, хорижий тилларни юқори даражада ўзлаштирилганлиги бўйича халқаро сертификат олиш харажатларининг 100 фоизи давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Шунингдек, ИТ парк резиденти бўлган ўқув марказларида тахсил олаётган ёшлар учун ҳам 4 йил муддатга 20 миллион сўмгача имтиёзли шартларда таълим кредити ажратилиши белгиланди. Бундан ташқари, 2022 йил 1 ноябрдан бошлаб ИТ парк резиденти бўлган ташиқлотларнинг ахборот технологиялари соҳасидаги ўқув курсларида тахсил олаётган иштирокчи сертификатини олган ёшларга ўқув курсларини сўнгги 6 ойда муваффақиятли тамомлаган ёшларга компьютер (шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмаган) харид қилиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 баробаридан кўп бўлмаган миқдорда истеъмол кредитлари ажратиш тизими жорий этилди.

Жорий йил октябр ойида Самарқанд шаҳрида Ўзбекистоннинг ИТ соҳасидаги имкониятларини ҳамкор мамлакатларга танитиш мақсадида АКТ ҳафталигини ўтказиш режалаштирилган.

Мазкур ҳафталик саммит, форум, кўрама, матбуот анжуманлари, тақдиротлар, акциялар, муқофотлаш ва бошқа қўллаб-қувватларни ўз ичига олиб, унда хорижий мамлакатлардан инвесторлар, ИТ компаниялар, халқаро ташкилотлар ҳамда соҳага қизиқиши бор тадбиркорлар ва мутахассислар иштирок этиши кутилмоқда.

Тадбирдан асосий мақсад тажриба алмашиш, замонавий технологиялар ютуқларини намойиш этиш, Ўзбекистон ИТ бозори жозибдорлигини чет эллик инвесторларга намойиш этиш ҳамда потенциал миқозлар ва ҳамкорларни жалб қилишдир.

Бу ўз навбатида, ШХТга аъзо мамлакатларнинг рақамли саводхонликни ривожлантириш дастурида белгиланган йўналишлардаги ҳамкорликни жадаллаштириш учун қўлай имкониятдир.

КУН МАВЗУСИ

Янги Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қиладиган муҳим ҳужжатлар имзоланди

15-16 сентябрь кунлари бутун дунё нигоҳи шарқ гавҳари, қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқандга қаратилди. Ер юзининг сайқали бўлган шаҳар бугун дунёдаги энг нуфузли, обрўли халқаро тузилмалардан бири — Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг йигирма иккинчи саммитига меҳмонлик қилди. Саммит доирасида 40 дан зиёд шартнома ва ҳужжат имзоланди. Ана шу келишувлар

ўзгараётган дунёнинг сиёсий-дипломатик муҳитига ўзаро боғлиқликда ривожланиш руҳини сингдириши айтилмоқда. Бу ҳақли равишда Янги Ўзбекистоннинг дунёдаги нуфузини ошириб, халқимизга юксак фахр-ифтихор бағишлайди. Буни маҳаллий экспертлар фикр-мулоҳазалари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Абдулазиз РАСУЛБЕВ, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Ҳуқуқий сиёсат тадқиқот институти директори ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор:



Йилда ҳужжатлаштирилиб, аъзо давлатлар ҳуқуматлари

кўрилган зарар қарийб 3 триллион АҚШ долларини ташкил этган. Прогноз қилинишича, бу кўрсаткич 2025 йилга келиб, 10 триллион АҚШ долларидан ошиб кетиши мумкин. 2021 йилнинг ўзига интернетда 60 миллион ҳуқуқбузар томонидан 1 миллиардга яқин ҳуқуқбузарлик қайд этилди.

ШХТ Евроосиё худудининг 60 фоизини эгаллаган ва дунё аҳолисининг қарийб ярми яшайдиган мамлакатларни бирлаштирадиган халқаро платформадир. Шу боис, мазкур ташкилот учун кибержиноятчиликка қарши курашиш масалалари нафақат минтақавий, балки халқаро аҳамиятда ҳам эга.

ШХТ доирасида кибержиноятчиликка қарши курашиш масаласи илк бор 2009 йилда ҳужжатлаштирилиб, аъзо давлатлар ҳуқуматлари

ўртасида халқаро ахборот хавфсизлиги соҳасида ҳамкорлик тўғрисида битим қабул қилинди. Бу шартномада опти-та асосий таҳдид қайд этилган.

ШХТ Минтақавий аксилтеррор ташкилоти ҳам доимий орган сифатида кибертерроризмга қарши курашда томонларнинг ваколатли органларини мувофиқлаштириш ва ўзаро ҳамкорлик қилишга кўмаклашувчи айрим сайёҳаракатларни амалга оширмоқда. Бироқ бу муаммони янада самарали ҳал қилиш учун алоҳида платформа яратиш керак бўлади.

Шу маънода, Ўзбекистон кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича фаол мавқега эга экани эътиборга молик. Бу Ўзбекистон ва бутун ШХТ ҳамжамиятини ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги жиноятлар сони кўпайиши, киберхавфсизлик соҳасидаги таҳдидлар кучайиши борасида катта таълим уйғотаётганини яна бир бор таъкидлайди. Самарқанд саммити ана шу жиҳатлари билан ҳам долзарблик касб этади.

САММИТ ДОИРАСИДА “ХИТОЙ — ҚИРГЎЗИСТОН — ЎЗБЕКИСТОН” ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА БИТИМ ИМЗОЛАНГАН ТАРИХИЙ ВОҚЕА, ДЕЯ БАҲОЛАНДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ СТРАТЕГИК ЖИҲАТДАН ЯНА БИР МУҲИМ ЛОЙИҲА — “ТЕРМИЗ — МОЗОРИ-ШАРИФ — КОБУЛ — ПЕШОВАР” ТЕМИР ЙЎЛИ ҚУРИЛИШИНИ ҲАМ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ЧАҚИРДИ.

Анваржон МИРКОМИЛОВ, “Тараққиёт стратегияси” маркази эксперти:



— Президентимиз ШХТнинг Самарқанддаги саммитидаги нутқида Ўзбекистон меҳмонлик қилган даврда пандемия шароити бўлганига қарамай, 80 дан ортиқ тадбир самарали ўтказилганини таъкидлади. Шунингдек, бу даврда “Шанхай руҳи”ни нафақат сақлаб қолиш, балки уни сезиларли даражада оширишга муваффақ бўлинди. Самарқанд саммити ШХТ Хартиясини имзоланганига 20 йил тўлган вақтда ўтганини ҳам қайд этиш зарур.

Айрим халқаро ва минтақавий ташкилотлар нуфузи йўқолиб бораётган бир даврда ШХТ оиласининг ҳам географик, ҳам сон жиҳатдан ортиб бораётгани унинг муваффақият формуласи билан боғлиқ. Мазкур формуланинг сирини ташкилот кўп қиррали ҳамкорликни ривожлантириш, фаолиятида мафқуравий доғма йўқлиги, умуминсоний кадриятлар ва умумэтироф этилган меъёrlарга амал қилиш тамойилида фаолият юритиши, деб ўйлаймиз.

Саммит доирасида имзоланган муҳим ҳужжатлардан бири Эрон Ислон Республикасининг ташкилотга тўлақонли аъзо сифатидаги мажбуриятлари тўғрисида меморандум бўлди. Келгуси жараёнда Эрон ШХТ Хартиясини ва бошқа қатор фундаментал ҳужжатларга қўшилиши зарурлигини билдиради. Умуман олганда, Эрон ташкилотнинг 40 дан ортиқ ҳужжатини ратификация қилиши зарур. Шундангина ташкилотга тўлиқ аъзо мақоми берилади.

Давлатимиз раҳбари ШХТ доирасида мунтазам равишда олий таълим муассасалари ректорлари форумини ташкил этиш ташаббусини ҳам билдирди. Мазкур ташаббус амалга ошса, ШХТга аъзо давлатлар ректорлари тажриба ва фикр алмашиши учун қўлай имконият яратлади.

Бир сўз билан айтганда, Самарқанд саммити конструктив мулоқот, ўзаро тушуниш, яхши қўшничилик ва дўстона руҳда ўтганини маҳаллий ва хорижий экспертлар ҳам таъкидламоқда.

Нодир РАСУЛОВ, Прогнозлаштириш ва макроиқтисодий тадқиқотлар институти лойиҳа раҳбари, иқтисодиёт фанлари доктори:



— Президентимиз Ўзбекистон ШХТга раислик қилган даврда амалга оширилган

ишларнинг якуний ҳисоботини ҳамда ташкилот олдида турган глобал муаммоларни ечиш бўйича таклифлар берди. Шунингдек, ўз маърузасида дунёда қўллаб муаммолар вужудга келаяётганини таъкидлаб, пандемия, иқлим ўзгариши, озиқ-овқат хавфсизлиги, энергетика масалалари билан боғлиқ муаммоларни санаб ўтди. Ўз навбатида, уларнинг ечимини топиш учун қатор ташаббусларни илгари сурди. Ана шундай ташаббуслардан бири Тошкент шаҳрида Минтақаларо ўзаро боғлиқлик марказини ташкил этиш таклифи бўлди.

Саммит доирасида “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилиши тўғрисида битим имзолангани тарихий воқеа, дея баҳоланди. Президентимиз стратегик жиҳатдан яна бир муҳим лойиҳа — “Термиз — Мозори-Шариф — Кобул — Пешовар” темир йўли қурилишини ҳам қўллаб-қувватлашга чакирди. Транспорт ва коммуникациялар соҳасидаги барча

истикболли лойиҳаларни келгуси йили ШХТнинг Ўзбекистонда ўтказиладиган биринчи транспорт форуми доирасида муҳокама қилиш мумкинлиги таъкидланди.


Муҳим ташаббуслардан яна бири қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш ва қайта ишлаш дастурлари, тўғридан-тўғри ўзаро таъминотнинг мувофиқлаштирилган схемаларини шакллантириш, юқори сифатли ва арзон озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бериш учун самарали логистика, “яшил” ва экспресс-йўлакларни ташкил этишга жиддий эътибор қаратиш бўлди.

Бу ҳаётий масалаларни кенг муҳокама қилиш мақсадида келгуси йили озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича халқаро конференция ўтказиш таклиф этилди. Давлатимиз раҳбари sanoat кооперациясини чўқурлаштиришга алоҳида ургу берди. Бу жуда муҳим ташаббус. Саммит доирасида Эрон раҳбари билан учрашувда ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган эди. Шу билан ҳар йили ШХТ йирик

савдо ярмаркасини ўтказиш, унинг асосида ягона электрон платформа яратиш таклифи қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон sanoat кооперациясини чўқурлаштириш ва ўзаро савдон рағбатлантириш мақсадида ШХТ мамлакатлари Махсус иқтисодий зоналари альянсини тузиш тарафдори экани таъкидланди. ШХТга аъзо давлатларнинг умумий худуди 34 миллион квадрат километрдан ошади. Бу Евроосиё қитъаси худудининг 60 фоиздан ортигини ташкил қилади. ШХТ давлатларининг умумий аҳолиси сони эса қарийб 3,5 миллиард кишига етади. Ер юзига 7 миллиард 800 миллион инсон борлигини инобатга олсак, бу дунё аҳолисининг қарийб ярми дегандир. Шу нуктага назардан олиб қараганда, Туризмни ривожлантириш йилида сайёҳлар оқими кўпаяди. Бу нафақат мамлакатларининг иқтисоди қўллашга, балки маданий-гуманитар алоқалар ривожланишига ҳам ижобий таъсир ўтказилади.

“Янги Ўзбекистон” мухбири Лутфулла СУВОНОВ ёзиб олди.



ИФТИХОР

Самарқанд руҳи

Сирожиддин САЙИД,
Ўзбекистон халқ шоири

Самарқандим, бошинг узра
яна қўнмиш Хумоларинг,
Ёруғ дунё, келаберсин,
Париж, Лондон, Румоларинг.

Юз минг валиларга макон,
Қатлам-қатлам илму ирфон,
Боқий шаҳрим, нури жаҳон,
Жилларинг, имоларинг.

Темур бобо пойтахтисан,
илми нужум ойттахтисан,
Қизалоғим, сен бахтлисан:
Бибихоним момоларинг.

Ер юзига зиё эккан,
ўлмас назму наво эккан,
Бухорийдан дуоларинг,
Навоийдан наволаринг.

Бағринг тўлсин қучоқларга,
сен — тинч осмон учоқларга,
Бағри тўла ўртоқларга —
китоб ўқир самоларинг.

Минг йилларни чол айлаган,
фол ёки хаёл айлаган,
Оламларни лол айлаган,
шаҳрим, нашъу намоларинг.

Уч минг йиллик давлатинг бор,
Яна шунча заҳматинг бор.
Халқинг бор танти ҳам хоксор —
Камтару камнамоларинг.

Беш йилда бир жаҳон қурмиш,
янги боғу бўстон қурмиш,
Мутлақ янги замон қурмиш
шавкатли Раҳнамоларинг.

ШУКУХ

Самарқанд! Сохибқирон Темурбек Кўрагон ўз салтанатининг пойтахти бўлган бу табаррук тупроқни севарди. Инсониятга йўлланган илк эзгу қадамлар шу тупроқдан бошланган, деб биларди. Самарқанд сўзи шарафли сўз, бу сўз инсонга ғурур бағишлайди, дерди. Қадимий ва навқирон шаҳарнинг қуёшни елкалаб кетаётган барли тасвирига соатлаб термуларди. Қуёшни елкалаган шаҳар, деб атарди. Афсоналар шаҳри, ишқ шаҳри, устоз шаҳар, деб биларди.

ҚУЁШНИ ЕЛКАЛАГАН ШАҲАР

Талантбек ПРИМОВ,
шоир

...Қуёшга қарагил —
олам тўла сир,
Саид Бараканинг тонглари отар.
Оламни титратган
буюк жаҳонгир,

Устознинг пойига
бош қўйиб ётар...

Устозга бундай эҳтиром фақат
Самарқандда бор!

Самарқанд бағрида оқаётган дарё
қуёшни сочиб оқади, азиз авлиёлар,
гадолар, подшолар шу шаҳар томон
интилган, унга келган гадо бой бўлиб
кетган, келган подшо давлат тузган,
келган авлиё унинг бағрини макон тут-
ган, бу шаҳардан кетмаган.

Тарих саҳнасида менга кўзлар
боқарди. Усмон Носир қувилган мактаб
шу шаҳарда ғиштини тўкиб йилларди.
Усмон Носирнинг ҳам энг гўзал шеър-
лари шу шаҳарда ёзилган эди. Икки
дарё ораллиғида илк театр, илк жур-
нал шу шаҳарда пайдо бўлган эди.
Беҳбудий Ватан фарзандларини маъ-
рифатли этишга жонини нисор қилган
фидойи эди. Ҳожи Муин Туркистон
ижодкорларининг бошини силаган,
бағри дарвозасидай ланг очик футу-
ват соҳиби эди. Бу шаҳар илм-фан
шаҳри, бешиги эди.

Бу шаҳар байт билмаган мирзони
мирзо санамаган, мирзолар хитобла-
рини байт билан айтган. Хат ёзишса,
патқаламни томирига санчиб байт
билан ёзган. Ҳар бир Абу Лайс са-
марқандликман, дейди. Мажнун деб
билганимиз Қайс шеърларини пойқада-
ми Самарқандга етган, машҳур Есенин
ҳозирги темир йўл вокзали атрофида
бир ойдан ошиқ қолиб, ижод қилган.

Жомий меҳридан баҳра олиб, Лут-
фий лутфи билан гапириб, Шоҳ Анвар
Қосим шеърларидан таъсирланиб, ун
саккиз ёшли Мирзобекнинг "Кўзинг не
бало қаро бўлубдур, Ким жонга қаро
бало бўлубдур" матлали ғазаллари-
ни ўқиб, Самарқанд шоирлари ичида
улғайиб, Самарқанд тахсилни қўриб
Амир Алишер Навоий бўлган эди.
Ғазалдаги бу ўйноқи усул "Савти
Самарқанд" деб аталади. Буни зулли-
сонаий шоир Жамол Сирожиддин Ху-
мий айтган эди. Кўзини бағишлаб илк
бор аруз сеҳрини Рудакий Самарқанд-
да бошлаб берган эди.

Самарқанд шоирлар шаҳри эди,
шеърини шаҳри эди.

Бу ерда битта мазорни етмиш пир
қўриқларди, ялангоёқ кезганда руҳлар

чорларди. Али Қўшчи бўлиб фалак-
ка термулса, феруза осмон бағрида
балқиб турган сирли ой ҳам Самарқанд
қизи бўлиб кўринарди. Қадим йўлак-
лардан "хувво-хув" дея қаландарлар
зикри эшитиларди. "Излар кишим бор-
ми?" деб Намангандан афтода келга-
нида Машрабга "шоҳ"лик макомини
берган, уни Шоҳ Машраб деб атаб тўн
ёлган шу шаҳар эди.

Машрабшунос олимлар юрти эди.
Қаландарлар, дарвешлар шаҳри эди.
Имом Бухорий топиниб келган
шаҳар эди. Хожа Аҳрор Вали, Моту-
ридий шу шаҳарда эди. Майсалари-
нинг устига ҳадис ҳам, ҳикмат ҳам сеп
ёйган эди.

Валилар шаҳри эди.
Темурбек салтанатига машварат
қилиш учун дунёнинг етти иқлимдан
подшолар, улларнинг элчилари келар-
ди. Амир Темур узоқни кўра оладиган
моҳир дипломат сифатида Испания ки-
роли Энрико III, Франция кироли Карл
VI, Англия кироли Генрих IV ва бошқа
хукмдорлар билан алоқа боғлади.

тарafdан Хитой, Ҳиндистон, иккинчи
тарafdан Франция, Англия, шунинг-
дек, Усмонлилар империяси, Испа-
ния, Италия, Миср ва бошқа нуфузли
давлатлари билан яхши алоқаларни
йўлга қўйди. Сохибқирон олий марта-
бали меҳмонларни барча иззат-ҳур-
матини жойига қўйган ҳолда кутиб
олиш ва машваратлар ўтказиш учун
Бобур Мирзо "Бир машҳур ўланг Ко-
нигил ўлангидир. Самарқанд шаҳри-
дин шарқ тарафидур", деб таърифла-
ган Кониғилда улкан сайилгоҳ барпо
қилдириди.

Мирзо Бобур Самарқанд тахтига юз
кун ўтириб, ўзини олам подшосидек
сезган эди. Ялангтўш Баҳодир илмда
тенгсиз эди. Устозининг пойига бош
қўйган Баҳодир эди. Етти ёшли бола
шу шаҳарда оқ кигиз ўстига чиқса, под-
шо бўларди.

Самарқанд подшолар шаҳри эди.
Клавиҳо ва бошқа элчилар сай-
ёҳлар шаҳрида кўп қолган сайёҳ эди.
Самарқанд абадий мезбон эди.
Улуғбек бўйнида қон ҳирқирарди,

Бу ту санамлар шаҳри эди.
Самарқандни жоҳиллар, золим-
лар, олимлар, арбоблар, босқинчилар
талаб кетган эди. Ҳануз таларди, бу
ҳақда Лондон музейи, Эрмитаж ёки ху-
сусий коллекционерлар гувохлик бера
оларди.

Бу илҳий шаҳар эса дарди ичида,
йиғлаб яшарди.

Кумилган китоблар, ёнган китоблар,
сотилган қўлёмалар шаҳри эди бу.

Боғи Шамолга завод курса, Боғи Ши-
молга пахта эқди. Боғи Дилқушога бу-
дой... Боғи Беҳиштага молбозор қурди.
Бу очкўз одамларга Самарқандда ер
камдек эди. Булар Ширинбека, Шоди-
мулк, Такина Хоним, Биби Хоним қис-
саларни билмаган оми одамлар эди.
Билганлари эса боши ҳам ҳолда Ра-
вшан Файздай бора келмас йўллардан
кетар эди.

Бу шаҳарнинг ёйган сояси Кармана,
Жиззаху Шахрисабз узра тараларди.

Шаҳри дилором, шаҳри барно, соя-
вор шаҳар эди.

Умаршайх Мирзодан то Шукур Хол-
мирзаев боболарининг ҳам суяқлари
шу тупроққа қўшилиб ётар эди.

Бу шаҳар қанча-қанча босқин-исти-
тилоларни кўрди. Ҳар сафар гулхан
қарьидан чиққан самандар қўшдай
қайта-қайта қад ростлади, машҳурлиги
олам қадар бўлди. Самарқанд кўп аср-
лар мобайнида Европадан Хитойгача
мамлакатларни мустақкам ришталар
билан боғлаб, Шимол ва Жанубни,
Шарқ ва Ғарбни ягона чорраҳада ту-
таштирди.

Аждодлар тафаккурининг уйғоқлиги
ва азиз авлиёларимизнинг узилмас сил-
силаси мамлакатимизда Учинчи Ренес-
санс пойдеворида тамал тоши қўйди.
Сохибқирон Амир Темур хукмдорлар
билан машварат ўтказиш учун Кони-
ғилда улкан сайилгоҳ барпо қилдирилган
бўлса, Президент Шавкат Мирзиёев
Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг
навбатдаги саммитида иштирок этди-
ган олий даражадаги меҳмонлар учун
200 гектардан зиёд майдонда "Боқий
шаҳар" мажмуасини бунёд қилдириди.
Бу ерда миллий ҳунармандлик устахо-
налари, миллий услубдаги чойхоналар,
Чорсу шарқ бозори, халқаро сайёҳлик
маркази қурилди. Марказ ҳудудида
жами 10 та объект бунёд этилди, 5 юл-
дузли меҳмонхона 2 та, 4 юлдузлиси
6 та, конгресс холл, карвонсарой ком-
плекси меҳмонлар хизматида.

Аждодлар руҳи давлатимиз раҳ-
барига ишонч, куч-қудрат ва жасорат
бахш этди. Алп Эр Тўнға, Темурбеклар
шухратини оламга шоён қилган, қуёш-
ни елкалаган Самарқанд бугун олий
даражадаги хукмдорлар машварат
ўтказадиган, минтақадаги хавфсизлик
ва иқтисодий ҳамкорлик масалалари
муҳокама этилиш учун қўлай майдон
сифатида олий даражадаги меҳмон-
ларни қабул қилмоқда.

Самарқанд шаҳри кўчаларига ШХТ
ва унга аъзо мамлакатлар байроқла-
ри, саммитга бағишланган афишалар
илинган, қадимий кент янада улўғвор-
лик касб этган. ШХТнинг Самарқанд
саммити умумий хавфсизлик ва та-
раққиёт йўлидаги ўзаро ҳурмат, ишонч,
конструктив ҳамкорлик принциплари
асосланган янги, инклюзив мулоқотни
йўлга қўйиш борасида ўзига хос наму-
на бўлди.

Қуёш шаҳри Самарқанд, янги
мартаба муборак!



Уларга элчилар йўллади, мактублар
ёзди, мактублар олди. Ўз навбатида,
испан, француз, англи, хитой ва бош-
қа хорижий мамлакатлар элчилари
унинг саройига тез-тез ташриф буюра-
диган бўлди.

У улкан давлат арбоби си-
фатида Европа ва Осиё ўрта-
сида ўзаро алоқаларни мус-
тақамлашга хизмат қиладиган
ягона макон яратиш чораларини ки-
дириди. Бунда ўзаро савдо-иқтисодий
муносабатлар ўрнатилишига катта
эътибор берди. Жаҳоннинг бир

Спитамен бўйнида қон ҳирқирарди.
Бу майдон, бу мадрасалар не жангу
жадаллар кўрмади, пештоқларига қан-
чалаб бошлар осилди.

Шаҳидлар шаҳри эди.
Бошини дорга тиккан одамлар шу
шаҳарда эди.

Сарбадорлар шаҳри эди.
Сўз муқаддас қурол эди, деворлар-
да шамширлар изи эди: туркийларнинг
бош шаҳри эди. Эраклар жангга кет-
ганда аёлининг бошида эрининг қовуши
бўларди. Фалакни кўтариб турган ми-
нораларга, нақшин деворларнинг ран-
гини жилосига кўзларидан ҳайрат тўлиб
термуларди.

Бу само тилсимлари кўмилган ва-
тан эди.
Самовий шаҳар эди.
Бундай шаҳарни севмаслик мумкин
эмас эди.

Шоирлар уйида, шоҳлар уйида
Самарқанд тасвири меҳробдек осиқ
турарди. Ислмо шайхлари келиб юз
босган, халифа қони сачраган "Қуръон"
Хоним масжидида турар эди. Ичида
шароби йўқ қадаҳдек бўлиб лаҳв қол-
ди. Уни олиб кетиша олмади. Олиб
кейтиш учун Алп Эр Тўнғанинг, Алпам
Шаҳнинг, Алп Манаснинг, Алп Онгиш-
нинг кучи керак эди. Қуръоннинг ўзини
олиб кетишди.

Тупроқ қавласанг тош санамлару
тош хайкаллар чиқади.



"Янги Ўзбекистон" ва "Правда Востока"
газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:

Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёмалар тақриз қилинмайди ва
муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган
ташкilot жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига
"ШАРҚ" НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузурдаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.

Нашр индекси — 236. Буюртма Г-960.

81594 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет услубида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.

"ШАРҚ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Феруза Жўраева
Мусаҳҳих: Шерзод Махмудов
Дизайнер: Зафар Рузиев

Манзилими:

100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй